



**Зулфия ДАВРОНОВА**

кatta ўқитувчи

Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети

## ХАЛҚАРО МУНОСАБАТЛАР ВА МИЛЛИЙ ҚИЁФА

Мақолада халқаро муносабатлар ривожланишининг икки тенденцияси тадқиқ этилган. Биринчидан, халқаро алоқалар инсониятнинг ҳар томонлама ривожланиши ва ўз ҳаётини моддий жиҳатдан таъминлаши, илм-фан ва технологиялар ютуқларини ўрганиши учун хизмат қилиши кўриб чиқилса, иккинчидан, икки давлат ўртасидаги мулокотлар тарихига эътибор қаратилади. Бундан ташқари, мақолада халқаро муносабатлардаги меъёрлар, принциплар ва халқаро муносабатлар йўналишлари сиёsatшунос олимларнинг фикрлари нуқтаи назаридан ўрганилган.

В данной статье изучены две тенденции развития международных отношений. Во-первых, международные отношения служат для всестороннего развития человечества и обеспечения его жизни с финансовой точки зрения; изучения достижений науки и современных технологий, во-вторых, рассмотрена история развития отношений двух стран. Кроме этого, в статье изучены нормы, принципы и направления международных отношений с точки зрения учёных-политологов.

The article studies two trends in the development of international relations. Firstly, international relations serve for the comprehensive development of humanity and ensuring their lives from a financial point of view; the study of science and modern technology, and secondly, reviewed the history of the development of relations between the two countries. In addition, the paper studies the norms, principles and direction of international relations from the point of view of political scientists.

**Калит сўзлар:** интеграция, геосиёсат, субъект, суверенитет, инсон омиллари, даъват, сиёсий омиллар.

**Ключевые слова:** интеграция, geopolitics, the subject, the sovereignty, the human and political factor, belief.

**Key words:** integration, geopolitics, the subject, the sovereignty, the human and political factor, belief.

Дунёвий тараққиёт халқларга, эл ва элатларга янги ҳаёт тарзи сифатида кўплаб қонун-қоидалар билан бирга ўзига хос ҳаётий принципларни ҳам тақдим этди. Натижада янгича тушунчалар, ҳатто янгича амалий билимлар вужудга келди. Жумладан, халқаро алоқалар ана шундай мураккаб, кенг қамровли тушунча сифатида ҳаётдан ўрин топти.

Қадим-қадим даврлардан буён ер юзида, унинг турли худудларида бир-бирларининг мавжудлиги ҳақида тасаввурга ҳам эга бўлмаган эл ва элатлар яшаб келарди. Глобал тараққиёт одамлар ҳаётидаги бундай сокинликка чек қўйди. Бутун дунё, айниқса, XIX–XX асрларда жадал кашф этила бошлади. Аслида, бунинг учун тараққий этаётган техника ва алоқа воситалари имконият яратганди.

Одатда, ҳар бир халқ муайян бир этник бирликни ташкил этади ёки ҳар бир этник бирликни айнан этноснинг маданий ўзига хослиги бошқасидан ажратиб туради. Демак, ҳар бир халқ ижтимоий-маданий воқеликни ўз урф-одатлари, ҳаётий тушунчалари доирасида баҳолайди. Бироқ алоқа йўллари асосида келаётган ўзга этносга хос янгиликлар ўз этносида қабул қилинган стереотиплар асосида баҳоланади. Шу туфайли халқларнинг бир-бирларини ўргангани ва ўзаро алоқаларга киришгани биринчидан, биргаликда ўзаро ёрдам асосида яшаш имкониятларини кенгайтирган бўлса, икиинчидан, бу омил халқлар вакиллари ўртасида этномаданий қарама-қаршиликлар, яъни тушунмовчиликларни келтириб чиқара бошлади. Айниқса, XXI аср бошларидағи бутун инсониятни ташвишга солаётган ислом–христиан ҳамда ислом–яҳудий қарама-қаршиликлари шундай тараққиётнинг салбий оқибатлари сифатида ўзини намоён этди.

Халқаро алоқалар тарихига назар ташлар экансиз, бу жараёндаги икки тенденция кўзга аниқ ташланади. Биринчидан, халқаро алоқалар инсониятнинг ҳар томонлама ривожланиши, ўз ҳаётини моддий жиҳатдан таъминлаши, фаровонлик учун бутун дунёдаги илм-фан ва технология ютуқларини ўрганиб, ундан фойдаланишга имкониятлар яратади. Бундай имкониятдан фойдалана олиш учун дунёнинг энг чет ахоли пунктлари, қишлоқлар ҳам алоқа воситаларини ишга солиш, интернетга уланиш учун интилмоқдалар. Шунинг учун ҳам халқаро алоқалар дунё бўйича маданий интеграциялашни таъминлайдиган ташқи алоқалар институтига айланиб бормоқда.

XX асрда халқаро коммуникацияларнинг ривожланиб бориши ҳамда ижтимоий муносабатлардаги интенсив тараққиёт мазкур муносабатларни яхлит олиб ўрганишга имкон яратди. Шу даврларга келиб турли фанларнинг мутахассислари, жумладан, социологлар ўз обьектлари доирасида давлат ва халқлар ўртасидаги бундай алоқаларнинг барча жиҳатларини кенг ўргана бошладилар.

Иккинчидан, давлатлар ўртасидаги муроқотлар тарихи мозийга бориб тақалади. Масалан, бундан 2500 йил илгари яшаб ўтган мутафаккир, юонон файласуфи Афлотун “... давлат ўзининг бошқалар билан муроқот қилмаганлиги натижасида яхши ва ёмон одамлар билан тажрибада танишмай туриб, ҳеч қачон маъқул даражада аҳлоқли ва баркамол бўлолмайди”, – деган эди. Римлик олим Страбоннинг фикри эса бундан ҳам ўзгачароқ. У ўрганилмаган давлатлар дунё аҳамиятига эга эмаслигини таъкидламоқчи бўлади. Жумладан, шундай дейди: “Узокда жойлашган жойлар ва у ерларда яшовчи аҳоли, айниқса, Римга хавф солмайдиган ва ўз савдо-сотиқлари билан фойда келтирмайдиган ороллар халқлари биз учун ҳеч қандай аҳамиятга молик эмас”(1, 413). Мазкур фикрни том маънодаги геосиёсий муносабатларнинг илк кўринишлари сифатида баҳолаш мумкин. Ўша давр олими Страбоннинг географик мавжудликни Рим давлати манфаатлари негизидагина, ўша даврнинг амалий муносабатлари нуқтаи назаридан баҳолаётганлиги эътиборни тортади.

Халқаро муносабатлар борасида сўз юритганда, Соҳибқирон Амир Темурнинг бу борадаги саъй-ҳаракатларини ўрганиш муҳим сабоқ бўлиши мумкин. Чунончи, бу зот халқлар ўртасидаги алоқаларга ёндашганида – у ёки бу халқнинг тақдирига аралашганда шу халқнинг тараққиётига ижобий таъсир кўрсатишга ҳаракат қилган эди. Жумладан, бошқа динларга эътиқод қиласидиган халқлар билан катта ҳурмат асосида муомалада бўлди, мутаассибликни енгиг ўтиб, турли давлатлар билан мўътадил алоқа ўрнатди. Чунки йирик давлатлар ҳар доим бир-бирлари билан алоқада бўлган ҳолда яшашга эҳтиёж сезар эдилар. Амир Темур ўзининг “Темур тузуклари” асарида “... Ҳар ернинг табиати, ҳар эл ва шаҳарнинг расму одатлари, мижозидан воқиф бўлиб туриши” лозимлигини таъкидлайди. Соҳибқирон турли халқларнинг туриш-турмушидан хабардор бўлиш учун савдо карвонларини ташкил этиб, уларни узоқ мамлакатларга йўллади. “Ҳар бир мамлакатга ва диёрга савдогар ва карвонбошилар тайинладимки, улар қаерга бориши масин: Хитой, Хўтан, Чину Мочин, Ҳиндистон, араб мамлакатлари, Миср, Шом, Рум, Жазоир, Фарангистон – у ерларнинг нафис матолари ва муносиб тухфаларидан келтиришисин. Ўша мамлакатларда яшовчи кишиларнинг ҳол-аҳволи, туриши-турмушилари ҳақида менга хабар олиб келсинлар”.

Бу ўринда шуни таъкидлаш керакки, у пайтлари карвонлар ташкил этиш ва савдогарчилик ижтимоий-сиёсий алоқаларнинг муҳим воситаси бўлган. Савдогарлар ўз халқининг илмий ва амалий салоҳияти натижасида яратилган турли хилдаги молларни сотиб, ўз мамлакатига қизиқиш уйғотиш билан бирга ўзга эллардаги фан, маданият ва сиёсий мухитни ҳам ўрганганлар.

Халқаро муносабатларнинг ўз меъёрлари, қоида ва принциплари мавжуд. Энг муҳим принциплар ҳатто Амир Темур замонидаги алоқаларда ҳам қўзга ташланади. Амир Темурнинг ўғилларидан бири – Мироншоҳ давлатнинг катта қисмини бошқарган. Ҳар бир ишда отаси билан кенгашиб иш тутадиган шахзода Мироншоҳнинг насроний ҳукмдорларга йўллаган мактубида шундай сўзларни ўқиш мумкин: “... Агар эътиқодимизда фарқ бўлса ҳам, барибир, барчанинг манфаати, айниқса, савдо гарларнинг манфаати йўлида дўстликни авайлашимиз даркор”(2,78).

Халқаро муносабатларга анъанавий ёндашувлар билан биргаликда идеалистик муносабатлар ҳам ривожлана бошлади. Жумладан, Франциско де Витториа, Гюго Гроций, Иммануил Кант сингари мутафаккирлар инсониятнинг ажралмас, ягона қадрият эканлигини белгилаб берадилар. Ижтимоий муносабатларни, хусусан, турли халқлар ва элатлар ўртасидаги муносабатларни ўрганишда ҳам инсон манфаатларининг устувор бўлиб қолишига амал қиласидилар. Айниқса, Франциско де Витториа фуқаро ва давлат муносабатларида асосий эътиборни инсон омилига қаратади, давлатга эса факат ҳаёт кечиришни енгиллаштириш воситаси деб қарайди. Мана шундан келиб чиқиб, давлатлар ўртасидаги чегаралар рамзий аҳамият касб этиши ва инсоннинг эркин ҳаракатланишини чекламаслиги лозим, деб ҳисоблайди. Ўша давр мутафаккирлари халқаро муносабатларни халқаро ҳукуқий ва ахлоқий меъёрлар ёрдамида тартибга солиши орқали инсоний муносабатларда барқарор тинчликка эришиш мумкинлигига ишонч билдирадилар.

Халқаро муносабатлар айни қунларда ҳар бир давлат фаолиятининг жуда кенг доирасини ташкил этади. Давлатлар муносабатлари тарақкий этгани сайин, (бунга боғлиқ бўлмаган ҳолда ҳам) бошқа-бошқа мамлакатларда яшайдиган фуқароларнинг ўзаро алоқалари ҳам кенг кўлам касб этмоқда. Айниқса, интернет орқали ўзга мамлакатдаги олим бошқа давлатда яшайдиган талабага ўз илмини ўргатмоқда. Ер куррасининг бир четида яшайдиган бемор мазкур алоқа воситаси орқали улкан шаҳардаги мутахассисдан ўз дардининг давоси ҳакида маслаҳатлашмоқда. Чидамли, арzon кийим-кечаклар, сифатли озиқ-овқатлар тайёрлаб берадиган технологиялар эҳтиёжманд мамлакатларга шундай кириб келмоқда. Бир сўз билан айтганда, ҳар қандай давлат бугун халқаро алоқаларсиз барқарор бўлиши, тарақкий этиши қийин, ҳатто мутлақо мумкин эмас.

Ўзбекистон ҳам 1991 йилдан бошлаб, мустақиллик эълон қилинганидан кейин халқаро муносабатларнинг тўлақонли субъектига айланди. Республикамиз Президенти Ислом Каримовнинг методологик кўрсатмаларига асосланган ҳолда, давлатчилигимизнинг азалий тамойилларига асосланган тарзда ўзининг мустақил ташқи сиёсатини юргиза бошлади. Мазкур сиёсатда жаҳон

ҳамжамияти билан интеграциялашув ва халқаро ҳуқуқ мөъёрларига оғишмай амал қилиш, ўзга давлатлар суверенитетлигини ҳурматлаш, икки томонлама ҳамда кўп томонлама алоқаларни кенг ривожлантириш асосий тамойил бўлиб қолмоқда.

Халқаро муносабатларга оқилона ёндашиш бу борадаги барча тадбирларнинг событқадамлигини таъминлайди. Бу борада эришилган ютуқлар қанчалик катта бўлса, тараққиёт шунча яхши қўзга ташланаётганлиги сир эмас. Аммо халқаро муносабатлар миллатларнинг бир-бирларини анъана ва урф-одатларига таъсир этувчи ҳамда уларни чеклаб қўядиган омил бўлиб қолмаслиги керак. Чунки халқнинг асл қиёфасини азалий урф-одатлари, анъаналари, қадимий маданияти белгилаб беради.

Сиёсатшунос В.Мальцевнинг таъкидлашича, ҳозирги кунда халқаро муносабатларнинг ривожланиши қуйидаги тенденциялар асосида амалга ошмоқда:

- дунёнинг яхлитлиги ва ўзаро боғлиқлиги омилиниң ўсиши;
- ижтимоий-хилма-хилликни сақлаб қолишига интилиш;
- дунёвий тараққиётнинг янгича шароитлари билан ижтимоий-сиёсий муаммоларни ҳал этишга диний, мафкуравий ва эътиқод ўлчовлари билан ёндашувлар ўртасидаги қарама-қаршиликлар чуқурлашуви;
- зиддиятлар ва қарама-қаршиликларни бартараф қилишда сиёсий омиллар аҳамиятининг ошиб бораётганлиги.

Мана шундай тамойиллар халқаро муносабатларни тотувлик, тинч ҳамкорлик ва ўзаро ҳурмат томон бошлайверади.

### **ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР**

1. Афлотун. Қонунлар. – Тошкент, 2002.
2. Керен Л., Саидов А. Амир Темур ва Франция. – Тошкент, 1996